

БЕФУБОР БОЛАЛИК

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш тадбири туманимизда бу сафар ноанъанавий бошланди. Яғни барча давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ёш спортчилари ўртасида велемарафон мусобақаси ўтказилди. Ёш велемарафончилар финиши туман ҳокимлиги бўлди. Финишда мусобақа иштирокчиларини байрам билан табрикланди. Туман ҳокимлиги, мактабгача ва мактаб таълими бўлими, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ёш велемарафончиларга совғалар топширилди.

Марказий истироҳат боғида кичкентойлар ўз дастурлари билан байрамни қизитиши. Байрамнинг кульминацион нуқтаси музқаймоқ сайли бўлди. Саҳоватли тадбиркорларимизнинг совғалари-музқаймоқ боғдаги барча болаларга тарқатилди.

Куйлар қўшиғу рақсларга уланди. Аттракционлар эгаларининг қўли-қўлига тегмади. Боғ бефубор болаликнинг шўх-шодон кулгусию қийқириқлари билан тўлди.

Болалажонлар маза қилишди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-06-02 13:38:13